

СМТИдаги америкалик экспертлар билан учрашув

Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида Американинг ташқи сиёсат бўйича Кенгаши (АТСК) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларининг ривожланиш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий кун тартибидаги муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Американинг ташқи сиёсат бўйича Кенгаши Президенти Герман Пирчнер Америка томони Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари билан очиқлик ва яхши қўшничиликка асосланган сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга жиддий қизиқиш билдираётганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, АТСК Президенти Америка ташқи сиёсатида Марказий Осиёнинг рўли ошиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтди. Унинг фикрича, минтақада рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар, илмий доира вакиллари ва экспертлар томонидан жиддий эътибор қаратилишига сабаб бўлмоқда.

Учрашув якунида, америкалик мутахассислар АТСК нинг СМТИ билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирдилар.

